

МЕҲНАТ БОЗОРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ МАСАЛАЛАРИ	ХУДАЙБЕРДИЕВ ЗАФАР РАХИМОВИЧ, ИҚТИСОД ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ДОЦЕНТ, Наманган Давлат Университети
УДК: 331 (575.1.)	
Калит сўзлар: меҳнат бозори, меҳнат, бандлик, ишсизлик, демографик ҳолат, иш ўринлари	
Аннотация: Назарий нуқтаи назардан меҳнат бозорида олди-сотди муносабатларини юзага келтирадиган предметни аниқлашга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Агар МДХ давлатлари иқтисодчилари ўтиш иқтисодиёти давригача бу борада умумлашган қарашга эга бўлган бўлсалар, иқтисодиёт фанига ғарб иқтисодий назариясининг таъсири остида масала мунозарали тус олди. Ушбу мақолада муаллиф мазкур мунозарали масалага нисбатан ўз ёндашувини баён қилган. Шунингдек, амалий нуқтаи назардан Ўзбекистон аҳолиси таркибида меҳнатга лаёқат ёшидагилар салмоғининг ортиб бориши ёки боқимандалик юқламасининг пасайиши тенденцияси кузатиладики, бунда иқтисодий фаол аҳоли таркибида меҳнатда бандлар улушини кўпайтиришга эътибор қаратиш талаб этилади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистонда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди ва унинг аввало янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилгани диққатга сазовордир.	

Иқтисодий циклнинг барча даврларида учрайдиган муаммолар орасида меҳнат бозорининг самарали амал қилиши муаммоси долзарблик касб этади. Чунки меҳнат бозори - ишлаб чиқариш омиллари бозорининг энг мураккаб бўғини бўлиб, инсон ва унинг ҳаёти билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мазкур муаммони муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан меҳнат бозори ривожланишининг объектив қонунларини чуқур даражада англаш ва келгуси истиқболларини белгилаш билан боғлиқ.

Меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини англашда унинг элементи сифатида «ёллаш» иқтисодий категориясини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур иқтисодий категория меҳнат бозори назариясида етарли ўрин эгалламаган. Чунки меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини ёритишда «ёллаш» пайти эътиборга олинмайди. Бироқ, «ёллаш» ҳозирги замон меҳнат бозорининг зарур ва энг муҳим элементи ҳисобланади.

Ёллаш – ишловчини ишлаб чиқариш жараёнига жалб этишни таъминловчи меҳнат бозоридаги «олди-сотди»нинг махсус иқтисодий шаклидир. Меҳнат бозоридаги ёллаш муносабатларида битим (келишув) предмети нима ва бу битим (келишув)нинг характери қандай эканлигини англаш муҳим саналади.

Иқтисодий адабиётларда меҳнат бозорида олди-сотди муносабатларини келтириб чиқарадиган предметни аниқлашга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу борада тортишувлар бормокда. Агар МДХ давлатлари иқтисодчилари ўтиш иқтисодиёти давригача бу борада умумлашган қарашга эга бўлган бўлсалар, иқтисодиёт фанига Ғарб иқтисодий назариясининг таъсири остида масала мунозарали тус олди.

Неоклассик мактаб асосчиси А. Маршалл «...ишлаб чиқаришнинг инсон омили ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари сингари сотилмайди ва сотиб олинмайди», ва «ишчи ўз меҳнатини сотади, лекин у ўзининг эгаси сифатида қолади», дейди. У «меҳнатни сотиш» ибораси билан бирга «меҳнат хизматларини сотиш» иборасидан ҳам фойдаланади ва бундай махсус товар сотиладиган бозорни «меҳнат бозори», деб атайти (Маршалл А., 1993).

И. Шумпетер ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси» асарида «...инсон ўз ишчи кучини сота олмайди», дейди ва битим (келишув) предметини ёритишда «меҳнат хизматлари» атамасидан фойдаланади, бозорни эса «меҳнат бозори», деб атайди (Шумпетер И., 1982.).

Р. Эренберг ва Р. Смит «Меҳнат бозорида меҳнат хизматлари сотилади», деб ҳисоблайдилар. «Меҳнат хизматлари ишловчилардан ажралмас бўлсада, ушбу хизматларнинг харид қилиш шартлари уларнинг нархи каби муҳимдир» (Эренберг Р.Дж., 1996.).

МДХ давлатлари иқтисодчилари А.И. Рофе, Б.Р. Збышко, В.В. Итинлар «меҳнат бозори бу – меҳнатни ёллаш ва таклиф этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими; бу – иқтисодий макон (меҳнатни сотувчилар ва унинг харидорлари ўзаро ҳаракатда бўладиган ишга жойлашиш соҳаси); бу – ёлланган ишловчилар ва иш берувчилар ўртасидаги меҳнат шароити ва баҳоси бўйича келишувни таъминловчи механизмдир», дейдилар ва улар «ҳозирги иқтисодий назария меҳнат бозорида айнан меҳнатнинг сотилиши ва сотиб олиниши»ни тасдиқлайди, деб таъкидлайдилар (Рофе А.И., Збышко Б.Г., Ишин В.В., 1997.)

Б.В. Корнейчук «...ишловчи ўзининг бўлажак меҳнатини сотади, яъни маълум вақт мобайнида маълум тартибда бирон юмушни бажариш масъулиятини олади», дейди (Корнейчук Б.В., 1998). А.И. Рофе ҳам шу қарашни тасдиқлаган ҳолда меҳнат бозорининг бошқа субъекти, яъни тадбиркор ёки иш берувчи томонидан туриб масалага ёндашади ва ёлловчи «...бўлажак меҳнатни сотиб олади ва унга ҳақ тўлайди», дейди (Рофе А.И., 1997). Меҳнат соҳасида атоқли олим А.Котляр эса «меҳнат бозори ҳам бошқа бозорлар сингари муомала соҳаси бўлиб, бозорнинг объекти айирбошлаш, яъни қиймат шаклини ўзгартириш жараёнида бўлади», дейди (Котляр А., 1996).

В. Плаксянинг таъкидлашича, «...олди-сотди жараёнида ишчи кучи ўзидан эмас, балки ундан фойдаланиш ҳуқуқидан бегоналашади» (Плакся В.И., 1996). В. Буланов ҳам «...ишчи кучи мулкдори унинг эгасилигича қолади, меҳнат жараёнида фақатгина ундан фойдаланиш ҳуқуқи бегоналашади», дейди (Буланов В.С., 1997).

Баъзи тадқиқотчилар эса ишчи кучи категориясига ижара категорияси сифатида ёндашадилар. Хусусан, бундай ёндашувни А. Коврижный қўллаб-қувватлаб, меҳнат бозорида «ижарага ўхшаш жараён юз беради», деб тасдиқлайди (Коврижный А.В., 1995.).

Шунингдек, Ўзбекистонлик иқтисодчилардан Л.П. Максакова меҳнат бозори моҳиятини очиб берар экан, унга нисбатан «...меҳнатда бандликнинг шаклланиши, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини камраб олувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси» сифатида кўриб чиқади (Максакова Л.П., 1995).

Қ.Ҳ. Абдурахмонов эса «Меҳнат бозори иқтисодий тушунча сифатида бу товарнинг эгалари (ёлланма ишчилар), айтилиши вақтда унинг сотувчилари ҳам ҳисобланадиганлар билан харидорлар (иш берувчилар) ўртасидаги ўзаро муносабатни акс эттиради», дейди (Абдурахмонов Қ.Ҳ. ва бошқалар., 2004). Шунингдек, у меҳнат бозорини тор маънода тушунишда Л.Э. Исмаилованинг


«Меҳнат бозори – иш берувчилар – ишлаб чиқариш воситалари эгалари (1) билан ёлланма ишчилар – ишчи кучи эгалари (2) ўртасидаги – биринчисининг тадбиркорлар сифатида меҳнатга бўлган талабини ва иккинчисининг ҳаёт кечириш воситасининг манбаси сифатида ёлланишга бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан қиймат асосида шаклланадиган иқтисодий муносабатлар тизимидир», деган тавсифига қўшилади (Исмаилова Л.Э., 1993).

Меҳнат бозорининг амал қилиш механизмига таъсир этувчи омиллар нуқтаи назаридан унинг ҳозирги ҳолатига баҳо беришда илмий абстракциялаш усулидан фойдаланиб ёндашадиган бўлсак, унга таъсир этувчи бош омил сифатида демографик омилни олишимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон аҳолиси мустақилликнинг дастлабки йилидан то ҳозиргача бўлган даврда 35,3%га, меҳнат ресурслари эса 62,7%га кўпайди. Шунингдек, 1991 йилда жами аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг улуши 49,3%ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 59,3%ни ташкил этди. (Труд и занятость в Узбекистане. 2001; 2007; 2009).

Республикамиз ҳудудларида демографик ривожланишнинг асосий тенденцияси туғилишнинг камайишида ҳамда миграциянинг салбий қолдиғи кўринишида намоён бўлмоқда. Бу эса аҳолининг ёш гуруҳлари таркибига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, аҳоли ёш гуруҳлари таркибида меҳнатга лаёқат ёшидан кичиклар улуши 1991 йилдаги 43,1 %дан 2010 йилга келиб 32,4%га, меҳнатга лаёқат ёшидан катталар улуши эса 7,8%дан 7,3%га камайган, меҳнатга лаёқатли аҳолининг солиштирма салмоғи эса 49,1%дан 60,3 %гача кўпайган.

1-гистограмма

Ўзбекистон аҳолисининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши



Натижада меҳнатга лаёқат ёшидаги ҳар 1000 кишига тўғри келадиган демографик юк 1035 кишидан 652 кишигача ёки 1,6 мартага камайган. Шунингдек, четда қолдирмаслик керакки, мазкур демографик юк меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ меҳнатда бандлиги таъминланган тақдирдагина амалга ошади. Шунингдек, авлодлар алмашинувининг

интенсивлиги коэффициенти 2000 йилда 5,6 ни, 2005 йилда 5,3 ни, 2009 йилда эса 4,2 ни ташкил этган. (Труд и занятость в Узбекистане. 2001; 2007; 2009).

Статистик манбалар асосида амалга оширилган таҳлиллар меҳнатда бандларнинг мутлак миқдори барқарор ўсиш тенденциясига эга эканлигини, бу ҳолат уларнинг меҳнат ресурсларига нисбатида аниқ намоён бўлаётганини ва меҳнатда бандларнинг жами аҳоли сонига нисбатан ўсиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, жами аҳоли таркибида меҳнатга лаёқат ёшидагилар салмоғининг ортиб бориши ёки боқимандалик юқламасининг пасайиши тенденцияси кузатиладики, бу ҳолат икки хил оқибатга олиб келиши мумкин: биринчиси – улардан самарали фойдаланишни йўлга қўймаслик натижасида ишсизлик муаммоси долзарблик касб этади; иккинчиси – ортиб бораётган меҳнатга лаёқат ёшидагилардан самарали фойдаланиш орқали сезиларли иқтисодий ўсишга эришиш мумкин. Бунда иқтисодий фаол аҳоли таркибида меҳнатда бандлар улушини кўпайтиришга эътибор қаратиш талаб этилади.

1-ЖАДВАЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ, МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА АҲОЛИ
МЕҲНАТДА БАНДЛИГИ ДИНАМИКАСИ

Кўрсаткичлар	1991	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2010 йил 1991 йилга нисбатан	
									+ ; -	%
Жами аҳоли сони, млн. киши	20,7	24,7	26,2	26,5	26,9	27,3	27,7	28,0	+7,3	135,3
Жами аҳоли сони ўтган йилга нисбатан,%	-	1,44	1,20	1,22	1,43	1,60	1,47	1,08	X	X
Меҳнат ресурслари, млн. киши	10,2	12,5	14,5	14,8	15,2	15,7	16,1	16,6	+6,4	162,7
Меҳнат ресурслари жами аҳолига нисбатан,%	49,3	50,6	55,2	55,9	56,6	57,5	58,5	59,3	+10	X
Меҳнат ресурслари ўтган йилга нисбатан,%	-	1,38	2,84	2,56	2,7	3,09	2,61	3,10	X	X
Меҳнатда бандлар сони, млн. киши	7,5	9,0	10,2	10,5	10,7	11,0	11,3	11,6	+4,1	154,7
Меҳнатда бандлар жами меҳнат ресурсларига нисбатан,%	73,5	72,0	70,3	70,9	70,4	70,1	70,2	69,9	-3,6	X
Меҳнатда бандлар ўтган йилга нисбатан,%	-	1,13	2,93	2,65	2,58	2,79	2,73	2,65	X	X
Меҳнатда бандлар жами аҳоли сонига нисбатан,%	36,2	36,4	38,9	39,6	39,8	40,3	40,8	41,4	+5,2	X

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари. Жадвал муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

2010 йилга келиб аҳоли мутлақ миқдорининг ўсиши 1991 йилга нисбатан 35,3%га кўпайгани ҳолда, шу давр мобайнида иқтисодиёт тармоқларида меҳнатда бандлар сони 54,7%га ортган. Мустақил ривожланиш даврида меҳнат ресурслари миқдорининг ўсиши (62,7%) меҳнатда бандлик даражасининг ўсишидан юқори бўлди. Фақатгина 2006-2010 йилларда Ўзбекистон бўйича меҳнат ресурслари ва меҳнатда бандлик даражалари ўсишининг тенглашиши ҳолати кузатилди. Буни Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси, дейиш мумкин. Бироқ, иқтисодий фаол аҳолининг ёки меҳнат ресурсларининг иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнатда бандлик даражаси минтақалар кесимида 61-77%ни ташкил этмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон меҳнат бозорида иш ўринларининг кўпаяётгани ҳамда аҳоли турмуш даражаси сезиларли равишда юксалаётганидан келиб чиқадиган бўлсак, бу ҳолатни меҳнат бозорида меҳнатда бандлик даражаси тўлиқ ҳисобга олинмаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётида меҳнатда бандликнинг жинслар бўйича таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, 2010 йилга келиб меҳнатда банд бўлган аҳолининг 45,8%ини аёллар ташкил этди. 2000-2009 йиллар мобайнида меҳнатда банд бўлган аёллар сони 27,9 фоизга ортди. Шу йиллар давомида меҳнатда банд бўлган эркеклар сони 18,9 фоизга кўпайди. Аёллар меҳнатда бандлигининг ортиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, аёллар меҳнатида фойдаланишни талаб қиладиган тармоқларнинг ривожланиши билан боғлиқ.


Ўзбекистонда аёлларнинг иқтисодий фаоллиги етарли даражада юқори бўлиб, 2010 йилда 68,9 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан 15,8 фоизга юқоридир (Демоскоп weekly. №377-378. <http://esa.un.org/unpp/>). Аёллар иқтисодий фаоллиги даражасининг юқорилиги ижобий кўрсаткич ҳисоблансада, аксарият ҳолларда уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни уйдаги мажбуриятларини бажаришлари билан қўшиб олиб бораётганликларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Бироқ, эркекларнинг иқтисодий фаоллиги кўрсаткичи дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан паст бўлиб, бу ҳолат эркеклар меҳнатда бандлиги муаммолари, шунингдек уларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш алоҳида тадқиқотлар предмети бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Шу ўринда шундай гипотезани илгари суриш мумкин: жами иқтисодий фаол аҳолини меҳнат бозорига келувчилар сафига киритиш ишчи кучини товар сифатида биринчи ўринга олиб чиқади ва меҳнатда бандларнинг муҳим функцияси бўлган самарали меҳнатни иккинчи даражага тушириб юборади. Ваҳоланки, меҳнат бозорида ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган иш билан таъминланмаган шахсларни потенциал ишчи кучига қараб ишга жойлаштирилганда, унинг функционал ишчи кучи кейинги ўринга ўтиб қолади. Натижада меҳнат реализациясидан сўнг меҳнатда бандларнинг бир қисмини ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар қаторига қўшилиши рўй беради. Мазкур гипотезанинг амалий жиҳати – ишсизлик билан бирга бўш иш ўринлари ҳам сақланиб қолаётганида кўринади. Хусусан, 1998 йилгача меҳнат бўлимларида

расмий ишсизлик мақомини олган ишсизлар сонидан меҳнат идораларига корхона ва ташкилотлардан билдирилган ходимларга бўлган эҳтиёж, яъни бўш иш ўринлари сони ортиқча бўлган бўлса, бу ҳолат 1999 йилдан бошлаб тескари кўринишни олган ва 2005 йилгача давом этган. 2006 йилдан бошлаб ҳозирга қадар эса яна бўш иш ўринлари сони ишсизлар сонига нисбатан ортган.

1-график

**Ўзбекистон Республикасида 1995-2009 йилларда бўш иш ўринлари
ва ишсизлик ўртасидаги боғланиш графиги**



Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2007. –Ташкент, 2008.; Труд и занятость в Узбекистане. 2001; 2007; 2009. Статистические сборники. –Ташкент, 2002, 2008, 2009. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009. –Ташкент, 2010. асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бу ҳолат ишсизлар сони билан уларга мақбул келадиган иш ўринлари ўртасида номуаносибликлар мавжудлигидан ёки иқтисодийнинг циклик ривожланиш давлари шу йилларда ўрин алмашганидан далолат бериб турибди.

Меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолатида миграция масалалари алоҳида ўрин тутади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат бозори нисбатан босимли бўлган ҳудудларда ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари суръати юқори даражада сақланиб қолмоқда. Меҳнат миграцияси ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга эга бўлиб, унинг ижобий жиҳатига меҳнат бозоридаги демографик босимни камайтириши, ишсизлик даражасини пасайтиришга кўмаклашиши, “мигродоллар”ларнинг мигрантлар иқтисодий аҳволини яхшилашга хизмат қилишини киритиш мумкин. Айни пайтда мазкур жараёнлар бир қатор салбий оқибатлар билан боғлиқ ҳолда кечмоқдаки, улар асосан норасмий ишга жойлашиш, меҳнат мигрантларидан асосан ўз касбларидан бошқа соҳаларда фойдаланилгани туфайли улар ўзларининг касбий билим ва малакаларини йўқотишлари билан боғлиқ. Шунингдек, меҳнат миграцияси салбий ижтимоий-демографик оқибатларга, хусусан мигрантлар соғлигининг ёмонлашувига, оилавий муносабатларнинг бузилишига, болалар тарбиясига эътиборнинг сусайишига ҳам олиб келади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида республикамизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилиндики, унинг аввало, энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилгани алоҳида диққатга сазовордир. Меҳнат бозоридаги яна бир жиҳат – яратилаётган янги иш ўринларининг қийматига эътибор бериш ва уларни иш ўринлари самарадорлиги ҳамда йўналишлари билан таққослаш ҳисобланади. 2010 йилда яратилиши мўлжалланаётган бир янги ишчи ўрнининг қиймати аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий йўналишлар бўйича турлича бўлиб, энг арзони касаначилик йўналиши ҳиссасига тўғри келади. Бу ҳолат аҳолини иш билан таъминлашнинг эгилувчан (ноанъанавий) шаклларида фойдаланиш самарали эканлигидан далолат беради.

Меҳнат бозори ҳозирги ҳолатининг кенг қамровли таҳлилидан келиб чиқиб, унинг истиқболлари юзасидан қуйидагилар тавсия этилади:

- меҳнат бозорини самарали ташкил этиш масаласига демографик ўзгаришларнинг минтакавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш;

- аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни тузиш миқёсини (диапазонини) торайтириш ёки бунда хусусийликдан умумийликка тамойилига риоя этиш;

- бўш иш ўринлари ярмаркалари миқёсини (диапазонини) кенгайтириш ҳамда бўш иш ўринлари тўғрисида сифатли умуммиллий ахборотлар тизимини такомиллаштириш;

- малакали кадрларни тайёрлашнинг истиқбол режаси ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжи ўртасидаги мувозанатни таъминлашда нафақат ишчи кучига бўлган ички талабни, балки ташқи талабни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маршалл А., 1993. Принципы экономической науки. В 3-х томах. Пер. с англ. –М.: Прогресс, -Т.2. –С.266.
2. Шумпетер И., 1982. Теория экономического развития (исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры). Пер. с немец. -М.: Прогресс, –С.371.
3. Эренберг Р.Дж., Смит Р.С., 1996. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. –М.: МГУ, –С.2.
4. Рофе А.И., Збышко Б.Г., Ишин В.В., 1997. Рынок труда, занятость населения: экономика ресурсов труда. –М.: МИК, -С.47.
5. Рофе А.И., 1997. О содержании понятия «трудовые ресурсы» и «рабочая сила». //Человек и труд. –Москва. -№3. -С.25.
6. Корнейчук Б.В., 1998. Дискриминация работников творческого труда (экономический аспект). -СПб.: -С.22.
7. Котляр А., 1996. Теоретические проблемы занятости остаются актуальными. //Человек и труд. –Москва. -№5. -С.10.
8. Плакся В.И., 1996. Безработица в рыночной экономике (вопросы теории, методологии, государственного регулирования). –М.: РАГС, -С.12.
9. Буланов В.С., 1997. Некоторые методологические вопросы исследования рынка труда. //Общество и экономика. –Москва. -№7-8. -С.67-68.
- 10.Коврижный А.В., 1995. Движение рабочей силы в условиях рынка и вопросы управления: региональный аспект. –Барнаул: АлтГТУ. -С.10.
- 11.Максакова Л.П., 1995. Проблемы обеспечения занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан в переходный период к рынку. –Ташкент. -С.21.
- 12.Абдурахмонов Қ.Ҳ. ва бошқалар., 2004. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. –Тошкент: ТДИУ, -Б.59.
- 13.Исмаилова Л.Э., 1993. Факторы спроса и предложения на рынке труда, безработица и формы ее проявления. –М.: Институт экономики РАН. –С.2.
- 14.Худайбердиев З. Р., 2008. Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида меҳнат бозори: назария ва амалиёт масалалари. –Тошкент, Молия, –Б.191.
- 15.Мирзакаримова М. М., 2010. Иқтисодий цикл: таркибий ўзгаришлар ва бандлик масалалари. –Тошкент, Фан, –Б.215.
- 16.Население Республики Узбекистан. 2001. Статистический сборник. –Ташкент, 2002.
- 17.Труд и занятость в Узбекистане. 2000; 2006; 2009. Статистические сборники. –Ташкент, 2001; 2007; 2009.
- 18.Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009. –Тошкент, 2010.
- 19.//Демоскоп weekly. №377-378. <http://esa.un.org/unpp/>.